

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Ёркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлок
хужалиғини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ёшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнура Ёшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

Page Maker | Верстка | Са. ифаловчи: @tadqiqotdesign

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Камола Саипова	
ТАССР АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИНИНГ ӲЗГАРИШИ (1918-1924 йй.).....	4
2. Фаррух Акчаев	
ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ АНЪАНАЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРДА САҚЛАНИШИ.....	13
3. Рўзибек Бабаев	
XX-XXI АСРДА ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ЭТНОТОПОНОМИК ТАРИХИ (ЯНГИОБОД ТУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)....	23
4. Елена Гордеева	
ОБРЯД ЭКСКАРНАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ: ИСТОРИЯ И ЭВОЛЮЦИЯ.....	29
5. Улугбек Мирзалиев	
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ (XX АСР 70-80 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	35
6. Sherbek Ravshanov	
XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA TURKISTONGA ROSSIYADAN KO‘CHIB KELGAN ANOLINING IJTIMOIIY TARIXI.....	42
7. Наргиза Сейтимбетова	
МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР – МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ЗАРУР ШАРТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	50
8. Умиджон Тожибоев	
XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ТЕАТР ВА УНИНГ ӲЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	57
9. Икромжон Умаров	
XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ҚАТАҒОНЛАРНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ВА АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИ.....	62
10. Раъно Уразова	
АВЕСТА ИЛОҲИЁТИДА ВАЗИФАЛАР ТАҚСИМОТИНИНГ “ТОҲЛАР” ВА “КЕНЖА АВЕСТА”ДА ИФОДАЛАРИ.....	73
11. Азизбек Холлиев	
XVII-XIX АСР БОШИДА РОССИЯДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ.....	79
12. Феруза Шамукарамова	
А.Я. ЯКУБОВСКИЙНИНГ ЗАРАФШОН ВОДИЙСИНИ ӲРГАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	90



Улугбек Бегмурзаевич Мирзалиев,
 тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
 Гулистон давлат педагогика институти доцент в.б.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ (XX АСР 70-80 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

For citation: Ulugbek B. Mirzaliev. ISSUES OF USE OF LABOR RESOURCES IN SIRDARYA REGION (IN THE EXAMPLE OF THE 70-80S OF THE XX CENTURY). Look to the past. 2023, vol. 6, issue 12, pp.35-41

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10360793>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XX аср 70-80 йиллари мисолида Сирдарё вилоятида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масалалари ўрганилган. Мақолада собиқ Иттифок даврида меҳнат ресурсларини тақсимлашда йўл қўйилган қатор камчиликлар илмий таҳлил этилган. Хусусан, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланишда аниқ тизим ҳамда ҳудудий сиёсатнинг йўқлиги, умуман хўжаликни бошқариш тизимининг бузилганлиги натижасида иқтисодиёт бутунлай издан чиққанлиги ва бу ҳолат Сирдарё вилояти халқи ҳаётига, турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатганлиги очиқ берилган.

Мустақиллик туфайли Сирдарё вилоятида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш соҳасига давлат этибори қаратилиб, халқнинг турмуш шароити яхшиланиб бораётганлиги манбаларни таҳлил этиш орқали илмий асосланган.

Улугбек Бегмурзаевич Мирзалиев,
 доктор философии по историческим наукам, и.о.доцент
 Гулистанского государственного педагогического института

ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ В СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ (НА ПРИМЕРЕ 70-80-Х гг. XX ВЕКА)

АННОТАЦИЯ

В данной статье вопросы использования трудовых ресурсов в Сырдарьинской области изучаются на примере 70-80-х годов XX века. В статье научно анализируется ряд недостатков в распределении трудовых ресурсов в период бывшего Советского Союза. В частности, было выявлено, что экономика полностью пришла в упадок в результате отсутствия четкой системной и территориальной политики в экономическом и социально-культурном развитии, в результате развала системы управления экономикой в целом, и это ситуация оказала негативное влияние на образ жизни жителей Сырдарьинской области. Проанализированы источники, которые раскрыли многие вопросы и благодаря

независимости правительство обратило внимание на использование трудовых ресурсов в Сырдарьинской области, а тот факт, что условия жизни людей улучшаются.

Ulugbek B. Mirzaliev,
Associate Professor, Doctor of Philosophy in History
Gulistan State Pedagogical Institute

ISSUES OF USE OF LABOR RESOURCES IN SIRDARYA REGION (IN THE EXAMPLE OF THE 70-80S OF THE XX CENTURY)

ABSTRACT

In this article, issues of the use of labor resources in the Syrdarya region are studied using the example of the 70-80s of the 20th century. The article scientifically analyzes a number of shortcomings in the distribution of labor resources during the period of the former Union. In particular, it was revealed that the economy was completely derailed as a result of the lack of a clear system and territorial policy in the economic and socio-cultural development, as a result of the breakdown of the economy management system in general, and this situation had a negative impact on the life and lifestyle of the people of Syrdarya region. It is scientifically substantiated by an analysis of sources that thanks to independence, the government paid attention to the use of labor resources in the Syrdarya region, and the fact that people's living conditions are improving.

1. Долзарблиги:

Ҳар бир давлат ўз аҳолисига эга бўлиб, унинг аҳолишунослик бўйича сиёсати ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир. Тарихнинг кўпгина даврларида аҳолишунослик билан алоқадор бўлган сиёсатни ўрганиш учун демографик тарих фани хизмат қилади. Аслида демография фанининг пайдо бўлганлигига икки юз йилдан ошган бўлса-да, демографик тарих ёш фанлардан бири бўлиб ҳисобланади. Демография сўзи грекчадан олинган бўлиб, *demos grapho* – замин, яъни аҳоли ҳақида ёзиш” деган маънони билдиради. Демографик тарих XX асрнинг иккинчи ярмида фан сифатида Ғарбий Европада шаклланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам ўзига хос аҳолишунослик сиёсати шаклланмоқда. Ўзбекистонда расмий демографик тарих 1897 йилдан, яъни ватанимиз ҳудудининг бир қисмида ўтказилган аҳолини рўйхатдан ўтказишдан бошланди. Шу кунгача жами аҳолини рўйхатдан ўтказиш мамлакатимизда олти марта (1926, 1939, 1959, 1970, 1979, 1989 йй.) амалга оширилган. Бу каби аҳолишунослик статистикаси бўйича Ўзбекистонда демографик тарих фани ривожини учун хизмат қиладиган кўп манбалар мавжуд бўлиб, тарихчилар улардан етарли фойдалана олишлари зарур [1]

Ўзбекистон барча тарихий босқичларда ўзининг демографик ҳолати билан алоҳида ажралиб турган ва ўзига хос йўللарни босиб келмоқда. Аммо совет даврида ўзбек халқининг хусусиятлари мутлақо эътиборга олинмаган эди. Мустақиллик шарофати билан бу масала давлат эътибори марказидаги муммолардан бирига айланди.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб Сирдарё вилояти ҳудудидаги тарихий демографик жараёнларни ўрганиш зарурияти ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Модомики ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур” [2].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган илмий усуллар – қиёсий-тарихий таҳлил, мантикий таҳлил, кетма-кетлик ҳамда тарихийлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда XX аср 70-80 йиллари мисолида Сирдарё вилоятида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масалалари ўрганилган. Ушбу мавзунини ўрганишда Р.К.Юсупов, З.Ф. Джамолова, Э.Бекметов,

Б. Мусаев, Э.Ахмедов каби олимларнинг илмий - тадқиқот ишлари ва асарларидан кенг фойдаланилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Инсоният пайдо бўлганидан то ҳозирги даврга қадар бир қанча тарихий даврларни босиб ўтди. Ҳамма даврларда ҳам аҳоли билан боғлиқ муаммолар долзарб мавзу бўлиб келган. Чунки аҳоли ҳам асосий ишлаб чиқарувчи куч, ҳам истеъмолчи сифатида жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Хусусан, Сирдарё вилояти республикаимиз иқтисодиёти ўз салоҳиятига эга вилоятлардандир.

Сирдарё вилояти 1963 йил 16 февралд ташкил топди. Унинг майдони 4,2 квадрат километрни ташкил қилиб, 36 миллат вакиллари истиқомат қилишади. Сирдарё вилояти Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятида ўз улушига эга. 1956 йилда кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида ҳукумат қарори чиққанидан сўнг, 1970 йилларгача Сирдарё ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш мақсадида чекка ўлкалардан кўплаб аҳоли кўчиб кела бошлади. Жумладан, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларидан ва Тожикистондан аҳоли кўчиб келиб ўрнашдилар.

1964 йил 1 январ ҳолатида Сирдарё вилоятида 617, 1 минг шаҳар, 475,2 минг қишлоқ аҳолисига тўғри келади [3].

Мустабид совет тузуми халқни бир қолипда ушлаш сиёсатини олиб бориб, аҳолини анча мураккабликларга дучор қилди. Собиқ Иттифоқ саноатга ёрдам бериш баҳонаси билан, кўпгина кишилар марказдан Ўзбекистонга, шу жумладан Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудларига кўчирдилар. Аҳолининг кўчиб келувчиларни ҳам, кўчиб кетувчиларни ҳам чеклаш имкониятига эга эмас эдик.

Аҳоли сонининг кўпайиб бориши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш асосий ва муҳим масала эди. Сирдарё вилояти 1970-1980 йиллар оралиғида аҳолиси тез ўсиб 125-134 фойизни ташкил қилар эди [4]. Шу жиҳатдан аҳоли сонига эътиборни қаратсак.

1970 йили Сирдарё вилоятида аҳоли сони 343 минг, бўлган бўлса 1979 йили 449 мингни ташкил қилган [5].

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири – аҳолининг, бинобарин, меҳнат ресурсларининг табиий жиҳатдан тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб боришидир. Сирдарё вилояти меҳнат ресурслари билан юқори даражада таъминланган минтақалар жумласига киради. 1970 йилга келиб Сирдарё вилояти аҳолиси 737 минг кишини ташкил қилиб, шундан 173 минг киши шаҳар, 564 минг киши қишлоқ аҳолисига тўғри келган эди.

Маълумки, Сирдарё вилояти аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшайди ва асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Аҳоли таркибида 60 фоиздан кўпроғи болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Табиийки, бу ҳол, ўз навбатида, халқ хўжалиги олдига кўплаб муаммоларни қўндаланг қилиб қўяди. Вилоятга асосан меҳнат ресурслари бошқа ҳудудлардан олиб келина бошлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳам салбий, ҳам ижобий муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин эгаллади. Лекин яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, вилоятга капитал маблағлар кам ажратилганлиги ўзининг аксини бера бошлади. Бу маҳаллий аҳолига паст назар билан қараш аксини берган. 1987 йилда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ажратилган капитал маблағлар 1980 йилги даражанинг 85,6 фоизини ташкил этди. Бу кўрсаткич шу йилларда иттифоқ бўйича 22,6, Россияда – 26,1, Беларусда – 43,2, Қозоғистонда – 15, Грузияда – 31,2, Озарбайжонда – 25, Литвада – 55,1, Латвияда – 29,5, Тожикистонда – 8,6, Туркменистонда – 12, Эстонияда – 18,9 фоизга ошди [6].

Марказдан туриб ана шундай йўл билан моддий ва молиявий ресурсларни нотўғри тақсимлаш оқибатида вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси анча ночор аҳволга тушиб қолди. Бундай ижтимоий адолатсизликдан иборат камситишларга, камчиликлар ва нохушликларга йўл қўймаслик учун мавжуд демографик жараённи чуқур ўрганиш ва шу асосда уни тўғри башорат этиш жуда катта аҳамиятга эга эди. Бироқ, 70-йилларгача бўлган даврлардаёқ «иқтисодий зиддиятлар кучайиб бораётгани, амалдаги хўжалик юритиш механизми мазкур зиддиятларни бартараф этишга ноқобиллиги яққол

намоён бўла бошлаган эди» [7]. Иқтисодийётни бошқариш соҳасида кенг қўламдаги ишлар авж олдирилди, хўжалик ҳисобидаги муносабатларни кучайтиришга ва хўжалик механизмини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча тажрибалар ўтказилди. Афсуски, маъмурий-буйруқбозлик тизими мавжуд бўлган бир шароитда амалга оширилган бу тадбирлар самарасиз бўлди, чунки халқ хўжалигини бошқариш нодемократик мажбурлаш характерида эди.

Иқтисодийётга партиявий раҳбарлик ва унинг ҳаддан ташқари мафкуралаштирилгани доирасида сўнгги ўн йиллар мобайнида қабул қилинган ва мавжуд имкониятларни ҳисобга олмаган кўпгина дастурлар иқтисодий қарама-қаршиликларни кучайтириб юборди. Натижада, иқтисодийётни батамом издан чиқариб, моддий ва молиявий тақчилликни юзага келтирди, бу эса хўжаликнинг тобора янги-янги соҳаларини ўз қомига тортиб, сиёсий, ижтимоий, мафкуравий соҳаларда, миллатлараро муносабатлар соҳасида зиддиятларни янада чуқурлаштирди.

Иқтисодий инқирознинг кучайиб боришининг бундай аҳволга тушиб қолганликнинг ҳақиқий сабабларини очмасдан туриб, уни бартараф этиш йўллари топиш мумкин эмас. Бунинг сабаблари эса кўп бўлиб, улардан энг асосийлари – мамлакат тараққиётига омилкорлик билан раҳбарлик қилинмаганлигида, ишлаб чиқаришнинг устувор тармоқларини алоҳида ажратмасдан, халқ хўжалигининг барча соҳаларини бир вақтнинг ўзида ривожлантириш тўғрисида нотўғри қарор қабул қилнганлигида, ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасидаги ўзгаришларни яхши идрок қилиш учун халқнинг маънавий-руҳий жиҳатдан етарли даражада тайёр эмалигидадир.

Инқироз сабаблари ва омилларини тўлиқ тасаввур этмаган ўзгартиришларнинг аниқ-равшан дастурга эга бўлмаган, ижтимоий-иқтисодий оқибатларин чуқур асосланмаган ҳолда устун йўналишлар бўйича каттадан-катта режаларни ишлаб чиқиш иттифоқнинг аввалги раҳбариятига хос хусусият эди.

Марказда ишлаб чиқилган дастурлар ва ислохотга оид чора-тадбирларда миллий республикаларнинг манфаатларини иқтисодий, ижтимоий-демографик, миллий-этник хусусиятларини ҳар томонлама эътиборга олинмасдан келинди. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш масаласида жиддий хатоликларга йўл қўйилди. 1970-1985 йиллар давомида Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг ўсиши асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўсишидан тўрт баравардан зиёд ошиб кетди ва 1985 йилга келиб, иттифоқдаги барча меҳнат ресурсларининг 6 фойизига эга бўлган Ўзбекистонда иттифоқ асосий ишлаб чиқариш фондларининг атиги 3,5 фойизи мавжуд эди [8].

Вилоятда аҳолининг иш ўринлари билан таъминланиш даражаси бўйича республикада ўз ўрнига эгадир. Ижтимоий ишлаб чиқариш меҳнатга лаёқатли аҳолининг барчасини иш билан таъминлай олмади. Натижада, меҳнат ресурсларининг бир қисми шахсий ва уй меҳнати доирасида қолиб кетди. Қишлоқдаги қоқоқ ижтимоий тизимнинг 70-80 йилларда сақланиши барқарор эканлиги ташвишлидир. Масалан, қўл меҳнати билан банд бўлган колхозчиларнинг салмоғи вилоятда 70-йиллар бошларидаги 71,4 фоиздан, 1985 йилда 87,7 фоизга ортди. Шу йиллар давомида ўзбек қишлоғида бирор-бир сезиларли силжиш юз бермади [9].

Вилоятнинг собиқ шўролар даврида бошидан кечирган барча иллатларнинг сабаби буйруқбозлик – маъмурий тизимнинг олиб борган **Нино** ? сиёсатидир. Бу даврда илмий асосланмаган катта-катта қурилишларга кўпроқ аҳамият берилди. Кўплаб вилоятдаги ерлар ўзлаштирилди. Аммо шўролар даврида ғалла муаммосини ҳал эта олмади. Айниқса, кўрик ерлар, жумладан, вилоят ерларига «буюк кўчиш» оқибатида ноқоратупроқ ерлар кимсасиз чўлу биёбонга айланиб қолди. Ана шу маблағлар ноқоратупроқ ерларнинг ўзини тиклашга сарфланганда, жуда оқилона иш бўлган бўлар эди. 70-80-йиллар бошларида Байкал-Амур магистрали қурилишига минг-минглаб одамлар сафарбар этилди. Вилоят аҳолиси ҳам бу жараёнга мажбуран жалб қилинди. Бу эса ўзини оқламади. Ана шундай кўп сармоя талаб қилган тадбирлар тегишли натижа бермай, иқтисодийётни ҳалокат ёқасига келтириб қўйганлигини тушуниб етмаган вилоят маҳаллий раҳбарлари ҳокимиятни мустаҳкамлаш

учун марказдан келган ҳар қандай буйруқни сўзсиз бажаришга одатланган ҳолда у ёки бу афзалликларга эга бўлишдек иллатли амалиётни қўллар эдилар. Вилоятда турар-жой, болалар боғчалари, шифохона ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларига кам маблағ сарфланди.

Малакали ишчилар етишмаслигига ва уларнинг уй-жой, маданий-маиший муассасалар билан етарлича таъминланмаганлиги маълум бир салбий оқибатлар юзага келишига сабаб бўлди.

Вилоятда ишлаб чиқарувчи кучларни ўстириш муаммоси билан бир қаторда меҳнатга лаёқатли кишиларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва жалб қилиш ҳам меҳнат ресурсларининг ҳолатини белгилайдиган омиллардандир. 80-йилларга келиб, вилоятда иш билан таъминлаш муаммоси кучайган давр эди. Бундай аҳволнинг сабаблари турлила бўлиб, у сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маънавий соҳалар билан чамбарчас боғлиқдир. Бироқ, энг асосийси, унинг илдизларини ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдан кидириш керак.

Кейинги ўн йилликларда саноат корхоналарининг анчагина қисми асосан шаҳарларда қурилди. Бироқ бу корхоналарда кимлар ишлаши, қандай мутахассислар кераклиги ва уларни қаердан олиб келиш билан боғлиқ масалалар энг охирида ҳал қилинар эди. Мана шундай шароитда меҳнат ресурсларидан фойдаланишда аҳолининг меҳнат малакаси катта аҳамиятга эга. Асосан бу корхоналарда маҳаллий миллат вакиллари жуда камчиликни ташкил қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Сирдарё вилояти ҳудудидаги шаҳарларда қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган шаҳарликлар салмоғи каттадир. Мустақиллик йилларида Сирдарё вилояти шаҳарларида аҳолининг салмоғи тубдан кўпайди. Вилоят ҳудудида меҳнат ресурсларининг асосий қисми қишлоқларга тўғри келади.

Кўпгина тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, ўзбек ёшларининг бошқа жойларга бориб яшашга иштиёқманд эмаслиги уй-жой масаласини ҳал қилиш имкониятининг йўқлиги билан боғлиқ. Бундай вазият, умуман, республика учун ҳам, айрим олинган йигит-қиз-қишлоқ аҳолиси учун ҳам жиддий қийинчиликлар туғдирмаслиги мумкин эмас. Ҳолбуки, уларнинг ҳар бештасидан бири (21,6 фоиз) уй-жой билан таъминлансаларгина шаҳарга кўчиб боришга рози бўлган [10]. Аммо республикада бундай шароит яратиб бериш учун собиқ иттифок даврида имконият етарли эмас эди. Чунки уй-жой таъминоти бўйича Ўзбекистон Иттифокда охириги ўринлардан бирида бўлиб, ҳар бир шаҳар аҳолисига 1980 йилдан 1986 йилгача турар-жой майдони 9,6 м.кв.дан 11,1 м.кв.га ошган бўлса, Иттифок бўйича – 13,1 м.кв.дан 14,1 м.кв.гача; Латвияда – 15,7 м.кв.дан 16,7 м.кв.гача; Эстонияда эса 16,0 м.кв.дан 17,6 м.кв.гача ошди.

Турар жой масаласининг энг муҳим муаммоларидан бири бўлган «замонавий» уй-жой ва мавзеларни барпо этаётган меъморлар ва лойиҳачиларга нисбатан маҳаллий аҳолининг талаби ва шикоятлари йилдан-йилга ошиб борарди. Иттифок даврида яратилган лойиҳаларнинг барчасида оилаларнинг демографик таркиби, ўзбек миллатининг ва бошқа маҳаллий аҳолининг миллий-маиший анъаналари умуман ҳисобга олинмаган.

Аҳолини турар-жой билан таъминлаш даражаси меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш ва ишчилар қўнимсизлигини барқарорлашда муҳим омил ҳисобланади. Бу борада собиқ иттифок даврида аҳолини уй-жой билан таъминлаш Сирдарё вилоятида ҳам оғир аҳволда эди. Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигида банд бўлган ҳар бир кишига ўртача 2,5 га ер тўғри келган.

Меҳнат ресурсларини режали асосда ҳудудий қайта тақсимлашнинг бошқа бир тури – аҳолини оилавий кўчиришдир. Бундан мақсад, асосан, кўпинча хўжалик мақсадларида янгидан ўзлаштирилаётган, шунингдек, суғориладиган ва заҳи қочирилаётган ерларда ташкил этилган колхоз ва совхозларни кадрлар билан таъминлашдан иборат эди.

Меҳнат ресурслари ортикча бўлган районлардан меҳнат ресурслари танқис бўлган жойларга режали асосда уларни қайта тақсимлаш ишлари турли хил йўллар, чора ва тадбирлар асосида жадаллик билан олиб борилди. Бироқ, Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбекларни бошқа жойларга кўчириш унчалик осон бўлмади. Чунки, ўз аجدодлари қадимдан яшаб келган жойларга боғланганлик, кўчиб юришга мойилликнинг

йўқлиги республика аҳолисига хос хусусият бўлиб, камдан-кам ҳоллардагина бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрган.

Иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланиш йўллари ҳамда қўпол хатолар ва янглишишлар аниқ тизим ҳамда ҳудудий сиёсатнинг йўқлиги, умуман ҳўжаликни бошқариш тизимининг бузилганлиги натижасида иқтисодиёт бутунлай издан чиқди. Мана шундай шароитда иттифокдаги барча халқлар учун хос бўлган қашшоқлик, тушкунлик, она заминдан, мулкдан, маданиятдан бегоналашиш Сирдарё вилояти халқи қисматига ҳам ёзилган эди.

Оқибатда, турли хил чалғитишлар, алдов ва катта ваъдалар билан бошқа халқлар қатори минг-минглаб ўзбек оилалари ҳам бегона юртларга кўчирилдилар. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, одамларни бошқа жойларга кўчиши билан боғлиқ меҳнат шартномалари тузишга ундовчи сабаблар жуда ҳам турли-тумандир. Бировларни янги қурилишлардаги меҳнат романтикаси жалб қилган бўлса, бошқалар ваъда қилинган катта маош ва имтиёзлар кетидан боришди. Баъзилар ўзининг кўчишини ишга жойлаштиришнинг у ёки бу масаласи билан боғлайдилар. Шунингдек, маданий-маиший ва турар-жой шартларини яхшилаш, шахсий турмушини йўлга қўйиш, оилавий келишмовчиликларни ҳал қилиш каби омиллар ҳам кўчишга ундовчи сабаблар жумласига киради.

Янги ерларнинг ўзлаштирилиши, саноат тармоқларининг вужудга келтирилиши ва ривожлантирилиши туфайли вилоятдаги шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари ривож топди, уларнинг аҳолиси кўпайди. Сирдарё вилоятидаги Янгиер, Гулистон, Ширин каби шаҳарлар янги ерларни ўзлаштириш ишлари бошланганидан сўнг, асосан миграция туфайли вужудга келган [11].

4. Хулосалар:

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, собиқ иттифок даврида меҳнат ресурсларини тақсимлашда кўпгина камчиликларга йўл қўйилди. Айниқса, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланишда йўл қўйилган қўпол хатолар ва янглишишлар аниқ тизим ҳамда ҳудудий сиёсатнинг йўқлигида, умуман ҳўжаликни бошқариш тизимининг бузилганлиги натижасида иқтисодиёт бутунлай издан чиққанлигида намоён бўлди. Мана шундай шароитда иттифокдаги барча халқлар қатори Сирдарё вилояти халқи ҳам қашшоқлик, тушкунлик, она заминдан, мулкдан, маданиятдан бегоналашиб борди.

Мустақиллик туфайлигина Сирдарё вилоятида ҳам меҳнат ресурсларидан фойдаланиш соҳасига давлат эътиборининг қаратилиши натижасида халқнинг турмуш шароити яхшиланди.

Иқтибослар / Сноски/ References:

1. Юсупов Р.К., Джамолова З.Ф. Ўзбекистон демографик тарихини ўрганиш муаммолари. // тарих фанининг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд, СамДУ нашри, 1997. 91-94 бетлар. (Yusupov R.K., Djamolova Z.F. Problems of studying the demographic history of Uzbekistan. // current problems of history. Collection of scientific articles. - Samarkand, SamDU publication, 1997. Pages 91-94.)
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келжак йўқ. – Т.:Шарқ, 1998. - Б.24. (Karimov I.A. There is no future without historical memory. - T.: Sharq, 1998. - P.24.)
3. Сирдарё вилояти ДА, 95-фонд, 1-руйхат, 17-иш, 21-в. (State Archive of Sirdarya region, fund 95, list 1, case 17, v. 21).
4. Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари.- Т.:Университет, 1992.- 6-б. (Population and labor resources of Uzbekistan. - T.: University, 1992. - p. 6.)
5. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 г. – 201-б. (National economy of the Uzbek SSR in 1984 – 201-p.)
6. Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналмилал дунёкараш. Ўқув қўлланма. – Т.:Ўзбекистон, 1993. 67-б. (Culture of inter-ethnic relations and international outlook. Study guide. - T.: Uzbekistan, 1993. p. 67).

7. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзиг хос йўли. – Т.:Ўзбекистон, 1993. 10-б. (Karimov I.A. Uzbekistan is a unique way of transitioning to market relations. - Т.: Uzbekistan, 1993. p. 10).
8. Бекметов Э. Халқлар ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалар. – Т.:Меҳнат, 1992. – 25-26-б. (Bekmetov E. People's cooperation and economic relations. - Т.: Labor, 1992. - pp. 25-26).
9. Мусаев Б. Ишчилар синфи миллий кадрларининг шаклланиши. // Инсон ва сиёсат. 1991. №12. – 12-б. (Musaev B. Formation of national cadres of the working class. // Man and politics. 1991. No. 12. - p. 12.)
10. Мусаев Б. Ишчилар синфи миллий кадрларининг шаклланиши. // Инсон ва сиёсат. 1991. №12. – 14-б. (Musaev B. Formation of national cadres of the working class. // Man and politics. 1991. No. 12. - p. 14)
11. Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. – Т.:Ўзбекистон, 1991.- 66-бет. (Ahmedov E. Cities of Uzbekistan. - Т.: Uzbekistan, 1991. - Page 66.)

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 6, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST
VOLUME 6, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000